Қалбаки маҳсулотдан огоҳ бўлинг!

// 30 yanvar 2022 йил
https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/indorama-oltin-qalbaki



“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” акциядорлик жамияти томонидан “ОЛТИН” товар белгиси остида ишлаб чиқарилаётган “аммиакли суперфосфат” (АСФ) маҳсулоти республикамиз фермерлари томонидан сифати, юқори ҳосил олишда самарадорлиги ва қопдаги ўлчами аниқ эканлиги эътироф этилмоқа.

Бироқ шу кунларда айрим номақбул кимсалар томонидан корхона маҳсулотларининг, яъни, амиакли ва оддий суперфосфат (АСФ/ОСФ)ни сохталаштириш ва деҳқонларни пулини олиш мақсадида қалбаки маҳсулотни сариқ рангли сохта қопларга қоплаб (Индорама ва Олтин номини чоп этиш орқали) сотиш ва этказиш билан шуғулланмоқдалар. Бундай ҳолатларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳақидаги маълумотлар этиб келган ва корхона томонидан ушбу ноқонуний ҳолатни зудлик билан тўхтатиш мақсадида тегишли ташкилотларига хабар берилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда “Индорама” компанияси мижозлардан мамлакат бозорида “ОЛТИН” бренди остидаги АСФ маҳсулотини сотиб олаётганда маҳсулот сифатини аниқлашда қуйидагиларга эътибор беришларини сўраб қолади:

1. Қоп дизайнини диққат билан кўздан кечиринг ва “ОЛТИН” логотипи дизайнининг ҳаққонинйлигига ишонч ҳосил қилинг;
2. Маҳсулот таъминотчиси ва этказиб берилган сана ҳақида маҳлумот беришларини сўранг;

3. Гранулаларнинг сифатини текширинг (ўлчами 2 мм дан ортиқ бўлган гранулалар > 95%);
4. Қопнинг оғирлигини текширинг (соф оғирлиги 50Кг) ;
5. “ОЛТИН” АСФ маҳсулоти сотилаётган дилер/кластерни асл эканини текшириш учун “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals”АЖ савдо бўлими ходимига қўнғироқ қилинг.

Барча мижозлардан “ОЛТИН” бренди остидаги маҳсулотларнинг қалбакисига дуч келсангиз ёки сизга қалбаки маҳсулот сотишган бўлса, компанинянинг +99873 543-90-01 ишонч телефон рақами орқали хабар беришингиз мумкин эканлигини маълум қиламиз.